

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **179** Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 12 июлдаги 204-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини методик таъминлашни янада такомиллаштиришга доир тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизматининг (кейинги ўринларда Хизмат деб аталади) ходимларининг чекланган умумий сони (ёрдамчи ходимларсиз) 70 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 17 нафар бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Хизмат давлат муассасаси ҳисобланиши, унинг ходимлари таркибини тўлдириш эса касб-хунар коллежларидаги методист лавозимини тугатиш натижасида бўшаб қоладиган ходимлар ҳисобига амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Хизматнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлар ва методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаш мониторингини, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини тайёрлашни ташкил этиш;

ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқитишнинг замонавий шаклларини, янги илғор педагогик ва ахборот-компьютер технологияларини жорий этишда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига методик ёрдам бериш;

ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик ва касбий даражасини ошириш мақсадида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг юқори малакали мутахассисларини тренерлар-модераторлар сифатида жалб этган ҳолда улар учун семинарлар-тренинглар ташкил этиш;

ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг билимлари, тажрибаси ва амалий маҳорати ошишига қўмаклашувчи фаол шакллар ва усул-

ларни, аудио-визуал ҳамда ўқитишнинг бошқа кўргазмалари воситаларини ишлаб чиқиш, экспериментал майдонларда синовдан ўтказиш ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнига жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида фан кабинетлари, лабораториялар, ўқув устахоналари ва ўқув полигонларини жиҳозлаш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув-таълим ва тарбиявий ишлар даражасини ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларининг ўқув-методик таъминлаш бўлимлари ишларини мувофиқлаштириш ва уларга методик раҳбарлик қилиш.

### 3. Белгилансинки:

Хизматга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади;

Хизмат фаолиятига Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг ўринбосари — Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва таълим йўналишларини бирхиллаштириш бошқармасининг бошлиғи томонидан мутасаддилик қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорига, зарурият бўлганда, Хизмат тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази бир ой муддатда, белгиланган тартибда:

Хизмат Уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Хизматнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини ва унинг юқори малакали мутахассислар ва раҳбар ходимлар билан тўлдирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Хизмат ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ҳамда шартларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини татбиқ этсин.

6. Хизмат Тошкент шаҳар, Университет кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Компьютер тех-

нологиялари академик лицейи биносига ижара тўлови ундирилмасдан жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича 2014 йилда — Хизматнинг жорий таъминоти ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур маблағларни ажратсин ва 2015 йилдан бошлаб эса уларни «Таълим» соҳаси учун ажратиладиган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 14 апрель,  
91-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 14 апрелдаги 91-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус,  
касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими  
муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизматининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони (ёрдамчи ходимларсиз) — 70 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари — 17 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 14 апрелдаги 91-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўзгартиришлар  
киритилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бошқа педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорларидаги «Лавозимлар номи» устунининг 4-бандидан «методист» сўзи чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 августдаги 180-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 8-сон, 45-модда) билан тасдиқланган Таянч касб-хунар коллежи ва унинг филиаллари тўғрисидаги низомда:

- а) 22-банддаги «методистлар» сўзи чиқариб ташлансин;
- б) 23-банддаги «методист» сўзи чиқариб ташлансин;
- в) 47-банднинг 1-кичик бандидаги «методистлар» сўзи чиқариб ташлансин.